
**Ҳукуматнинг 3 октябрдаги [561-сон] қарорига мувофиқ,
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида
тажриба-синов тариқасида 2022/2023 ўқув йилида:**

Барча тиббиёт ва ОТМларнинг «Даволаш иши», «Педиатрия иши» ва «Тиббий-профилактика иши» йўналишлари битирувчи курсларига тўлиқ ставкагача оилавий шифокор, тез тиббий ёрдам шифокори ва санитария бўлимларида шифокор сифатида;

барча тиббиёт ОТМлар, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг магистратура ва клиник ординатура битирувчилари мутахассисликлари бўйича тўлиқ ставкагача ишлаши мумкин.

«Даволаш иши», «Педиатрия иши» ва «Тиббий-профилактика иши» йўналишлари бўйича барча босқич талабалари фанлар ва амалий машғулотларнинг назарий қисмини масофавий ўзлаштиради.

Соғлиқлини сақлаш вазирлиги шифокорларга бўлган эҳтиёжни аниқлайди ва биринчи босқичда 2022 йил 1 октябрдан Сурхондарё вилоятида, иккинчи босқичда эса 2022 йил 1 ноябрдан барча ҳудудларда талабаларни вақант ўринларга ишга жойлаштиради.

Buvayda tuman adliya bo`limi inson

huquqlarini himoya qilish va huquqni

qo`llash amaliyotini o`rganish bo`linmasi

bosh maslahatchisi

M.Abdullayev

2022-10-05 15:35:49